

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил
24 август
ШАНБА
№ 68 (12600)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНINI БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва ўз халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун куйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон – «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Азларов Турғун Раҳматович – Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Раматов Ачилбай Жуманиязович – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

Эшматов Анорбой Аббасович – Пахтакор туманидаги «Анвар» фермер ҳўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2013 йил 22 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2013 йилги Давлат мукофотлари бўйича тақлифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

Биринчи даражали Давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:
– Зуфаров Миржамол Мирмарофич, Абдумажидов Хамидулла Амануллаевич, Абралов Ҳакимжон Қабулджанович, Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович, Назирова Людмила Алихановна – «Юрак қон томир касалликларининг диагностикаси ва даволашда замонавий услубларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш» амалий тадқиқоти учун;

адабиёт соҳаси бўйича:
– Сирожиддинов Шухрат Самариддиновичга – «Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типология, текстологик таҳлили» фундаментал тадқиқоти учун;



Азларов Турғун Раҳматович



Раматов Ачилбай Жуманиязович



Эшматов Анорбой Аббасович

санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:

– Қодиров Муҳсин Халиловичга – «Ўзбек анъанавий театри» монографияси учун;
Фан ва техника соҳасида кўзда тутилган 1 та иккинчи даражали Давлат мукофоти ўрнига 2013 йил учун истисно тариқасида 2 та иккинчи даражали мукофот берилиши белгилансин.

Иккинчи даражали Давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:
– Азизов Мирҳаким Жавҳарович, Ступина Надежда Владимировна, Ирисметов Муроджон Эргашевичга – «Ириқ бўғимлар ортопедик патологиясини даволашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш бўйича илмий ишлар мажмуи» амалий тадқиқоти учун;
– Дадамухамедов Суннатулло, Муминов Рамизулло Абдуллаевич, Собиоров Ҳабибулло, Турсунов Муҳаммад Нишанович, Юлдашев Исроил Абриевичга – «Кремнийли фотоайланчигилар асосидаги қуёш нуралини бевосита электр энергияга айлантирувчи ҳозирги замон тизимлари ишлаб чиқиш» амалий тадқиқоти учун;

санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:
– Изентаев Жоллибой Тангирбергеновичга (марҳум) – «Қорақалпоқ эл менинг» рангтавир асарлар тўрқуми учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2013 йил 22 август.

МАКТАБ БОЗОРЛАРИ ГАВЖУМ

Янги ўқув йили олдида Пискент туманидаги қатор умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида мактаб ярмаркалари очилди. Ота-оналар ва ўқувчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида худуддаги бозор ва савдо мажмуаларида ҳам мактаб бозорлари ташкил этилди. Хусусан, марказий

қуроллари арзон ва сифатлиги билан кўпчиликка манзур бўлмоқда. Мактаб бозорларидаги савдо нукталари терминнал, назорат-касса аппарати ва бошқа зарур воситалар билан таъминланган. Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

– Чевар доимо изланишда, замон билан ҳамнафас бўлиши керак, – дейди яқка тadbirkor Дилфуза Ҳрозалиева.

Дилфузани чевар тикувчи сифатида ўзи яшаётган Ўрта Чирчиқ туманидаги Дўстлик қишлоғи «Эвалак» маҳалласидан ташқарида ҳам яхши билишади. У тиккан оқшом кўйлақлари, тўй либослари ва элита пардалар барчага хуш ёқиши тўғрисида чеварнинг мижозлари кўпайиб бормоқда.

Унинг қўли гул чевар бўлиши тасодиф эмас. Бувиси Турғуний Матмусаева каштачи бўлган. Онаси Ойниса Мўминова қишлоқнинг чевари сифатида қуроқчилик ва аёллар кўйлақларини тикишда ном чиқарган.



ДИЛҒУЗА ТИККАН ЛИБОСЛАР

Болалигидан тикувчилик юмушлари билан ўралашга ўрган Дилфуза аввал кашта тикичини, кейин қуроқчиликни ўрганган. Энди оқшом кўйлақлари, тўй либослари тикиб, зар билан ишлов беради. Унинг

элита пардалари ёш оилалар хонадонларини безамоқда. – Тикувчиликни касб қилиб кам бўлмадик. Рўзгоримиз бут, дастурхонимиз тўкин. Энг муҳими, миллий хунармандчилигимиз анъа-

наларини давом эттираётганимдан бахтиёрман, – дейди чевар. Д. Ҳрозалиева замонавий русумли кийим-кечаклар тикишда ҳам бой тажриба орттирмоқда. У доимо изланишда. Турли

қурик-танловларда иштирок этиб, билим ва маҳоратини оширишга ҳаракат қилади. Бу йил «Ташаббус – 2013» анъанавий кўрик-танловининг туман bosқичида иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллади, дил-

лом ва эсдалик совғаси билан тақдирланди. **Раъшан МИРЗАҚУЛОВ.** СУРАТАА: чевар тикувчи Дилфуза Ҳрозалиева иш устида. **Муаллиф олган сурат.**

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2013 йил 23 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» ги Фармонида мукофот ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий гоъни ривож-

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» Сафаров Уриш Нишонич – Оққўрғон тумани Агробиоз ва сервис касбухунар коллежи информатика фани ўқитувчиси

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан **Ҳакимова Зулфия Хурматовна** – Зангиота тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли қишлоқ врачлик пункти мудири

«Шухрат» медали билан **Абжолова Инабад Такабаевна** – Олмалик шаҳар Улқашунослик музейи директори **Бўронбоева Мавлуда Маждидовна** – Янгийўл ту-

ламлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, ёш авлоднинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ исзат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун бир гуруҳ ватандошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида куйидаги вилоятимиз вакиллари ҳам бор:

«Эл-юрт хурмати» ордени билан **Қурбонова Мархабо Аҳмадовна** – Пискент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори **Фидокорона хизматлари учун» ордени билан Сапаров Нуриддин Касимович** – «Олмалик конметаллургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи металлургия цехи эритувчиси

«Дўстлик» ордени билан **Эламонов Олимжон Худайбердиевич** – Чиноз туманидаги «33-хўжалиқлараро механизациялашган кўча колонна» масъуляти чекланган жамиятининг бригада бошлиғи **«Шухрат» медали билан (100 ёшдан ошганлар) Мавлянов Зайниддин Умаркулович** – Қибрай тумани

тон металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти қурилиш-монтаж трести монтажчиси **Ибирагимов Холхожа Умарович** – «Максам-Чирчиқ» очик акциядорлик жамияти цех бошлиғи **Мермусаев Бохадир Каримович** – «Ўзбекиёмаш заводи» очик акциядорлик жамиятининг пайвандлаш цехи чилангари

Уразкулов Мамаюсуп Сулейманович – «Янги-Ангрен иссиқлик электр станцияси» очик акциядорлик жамиятининг смена бошлиғи **Эргашев Холжўра Муҳорович** – «Олмалик конметаллургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг «Койлди» кони лавчаси **Юлдашев Уразали Юлдашевич** – «Олмалик конметаллургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси майдаловчиси

«Меҳнат шухрати» ордени билан **Наркузиев Шахабиддин Насиртдинович** – «Ўзбеккумир» очик акциядорлик жамиятининг «Белазкумир» филиали бульдозер машинисти

«Жасорат» медали билан Қодиров Дилбар Тажидбаевна – Қўйи Чирчиқ тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими услубчиси **«Шухрат» медали билан Байматов Мамуржон Абдувахидович** – «Ўзбекис-

Мирзахалилов Мурат Мирзахалилович – Зангиота туманидаги «З. Жалилов» маҳалла фуқаролар йиғини раиси **Уразбаев Шухрат Алиевич** – «Ўзбеккумир» очик акциядорлик жамиятининг «Ангрен кўмири кони» филиали экскаватор машинисти

Юнусов Алишер Асрорович – «Тошкент иссиқлик электр станцияси» унитар корхонасининг 2-қозон турбина цехи бошлиғи (Давоми 2-бетда).

Умумхалқ хайрия ҳашари

ЮРТНИ ОБОД ҚИЛАДИГАН ЎЗИМИЗ

Ўзаро меҳр-оқибат, мурувват, ҳамжихатлик, хайр-саховат халқимизнинг эзгу фазилатларидан. Бу хислатлар айниқса, байрамлар арафасида янада яққол намоён бўлади. Бугун эрта тонгдан бошланган умумхалқ хайрия ҳашари фикримиз далилидир.

Вилоят ҳокимининг фармойишига биноан, байрамолди ободонлаштириш ва тозалик ойлиги 24-25 август кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари билан якунланиши кўзда тутилган. Шу жараёнда маҳаллалар, қишлоқ ва шаҳарларда кўп қаватли бино ва ҳовлилар, гузар ва хиёбонлар, сайилгоҳ ва зиёратгоҳлар, кўча ва ариқлар тозаланиб, тартибга келтириляптир. Умумхалқ хайрияда кекса ва ногиронлар, яқка-ёлиғи қариялар, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кўп болали оилаларнинг уй-жойларини таъмирлашга кўпчилик бўлиб ёрдам кўрсатилади. Тўпланиб қолган чиқиндилар хашар йўли билан

белгиланган жойларга чиқариб ташланади. Муртадидорлар хашарчиларни зарур техника билан таъминляптир. Умумхалқ хайрияда кекса ва ногиронлар, яқка-ёлиғи қариялар, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кўп болали оилаларнинг уй-жойларини таъмирлашга кўпчилик бўлиб ёрдам кўрсатилади. Тўпланиб қолган чиқиндилар хашар йўли билан

лик иш ҳақи миқдоридидаги маблағлар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда шаҳар ва туман бўлималарининг банкдаги ҳисоб рақамларига ихтиёрий равишда ўтказилиши белгилаб қўйилди. Тўшган маблағлар «Обод турмуш йили» Давлат дастури тадбирларига, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёлиғ кексаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллалар спорт майдончаларини жорий таъмирлаш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга сарфланиши назарда тутилмоқда. Шу муносабат билан меҳнат жамоаларининг бир кунлик иш ҳақи миқдоридидаги маблағлар фонднинг куйидаги ҳисоб рақамига ўтказилади: 20212000500132942001, МФО 00987, ИНН 200548395, ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Тошкент вилояти минтақавий филиали.

Тадбирини Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров бошқари. Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид яхши ният ва янги шеърлари билан даврани очиб берди. Паркент тумани юксак истеъдодга эга ижодкорлари билан ҳам кадрланади. Кеча якунида мақомчилар ансамбли хонандаси Озода Ерова ҳамда умидли эстрада хонандаси Ҳамид Умаровнинг дилторғат кўшиқлари даврата ўзгача руҳ бағишлади. **Нозима ТОИРОВА.**

Адабий-бадиий кеча

Умр йўлингиз нурафшон бўлса, мақсад қилсангиз-у, самарасига кутганингиздан эришсангиз, эккан ниҳолнингиз кўкка бўй чўзиб, мевасининг баракаси халқимизнинг дастурхонини тўлдирса... Шу эмасми, мустақилликнинг бизга ато этган шарофати? Аслида истиқлол берган имкониятлар завқу шавқини таърифлаш осон эмас. Мустақиллик 22 йиллиги муносабати билан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шioriнинг баралла бонг уриши шу фарон ҳаётимиз шукронасидир.

ИСТИҚЛОЛ ШАВҚИДАН ШОД КЎНГИЛАР

Туманимиз марказидаги «Кўшчино» истироҳат боғида юқоридаги шior остида адабий-бадиий кеча ўтказилди. Унда туман фаоллари ва аҳоли вакиллари мезбон, халқимиз ардоғидаги ёзувчи ва шоирлар, олим ва санъаткорлар меҳмон бўлишди. Тадбирини Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров бошқари. Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид яхши ният ва янги шеърлари билан даврани очиб берди. Паркент тумани юксак истеъдодга эга ижодкорлари билан ҳам кадрланади. Кеча якунида мақомчилар ансамбли хонандаси Озода Ерова ҳамда умидли эстрада хонандаси Ҳамид Умаровнинг дилторғат кўшиқлари даврата ўзгача руҳ бағишлади. **Нозима ТОИРОВА.**

Эхтиром

БАХТЛАРНИНГ БАРЧАСИ СИЗГА ЁР БЎЛСИН

Яхши кунларни, қувончу шодликларни бирга баҳам кўриш, узидан аввал ўзгани ўйлаш ҳалқимизга ҳос хусусият. Юксак инсонийлик фазилатларига йўғрилган оқилона давлат сиёсати бошқаларнинг ҳавасини келтираётгани ҳам бор гап.

...Мустақиллик деганда, аёл зоти борки, аввало фарзандлари бахту камоллини, юрт тинчлигию мусаффо осмонни кўз олдига келтиради!

Истиқлол деганда, аёл ҳечриси бахтдан кулиб турган бола тимсолини, Ватан сарҳадларида ҳушёр турган жасур ўғлонни, мисли кўрилмаган бунёдкорлик намуналарини, Она юрт сарҳадларини кўз олдига келтиради...



"Олқиш билан эл кўқарар" дейишади. Тобора яқинлашиб келаётган истиқлол шодиданларни олди-дан вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси вилоятимизнинг энг фаол, энг фидойи аёллари учун яна бир гўзал тадбир уюштирди.



"Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасининг фахрий ёрлиғи" да Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами муносабати билан битилган ушбу сатрларни Юқори Чирчиқ туманида ўтказилган тантанали йилгида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва ўқиб берганида, дарҳақиқат, оналаримиз, аёлларимиз ҳечриси фахр, гурур, ифтихор туйғуларидан ёришиб кетди.

раиси Элмира Боситхонова шундай деди: - Мустақил Ўзбекистонимизнинг, жамиятимизнинг гули, ишончи, таянчи бўлган азиз аёллар! Сиз элимиз фарзандлари учун аввало Она, қолаверса, устоз, мураббий, шифокор, маҳаллада маслаҳатчи, тadbирли, удли-шудли уй бекалари, кўйингики, замонамизнинг энг фаолларисиз. Хар қанча эътибор, рағбат муносибисиз. Зеро, фарзандлар тарбияси, камоли, оилалар мустаҳкамлиги, турмуш ободлиги сизларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу маънода биз - аёлларга

Юртбошимиз билдираётган юксак ишонч, кўрсатилаётган эътибор ва эҳтиромга жавобан масъулиятни янада кучайтириб, фидойилик кўрсатишингизга ишонамиз.

Вилоятимизнинг 107 нафар энг фаол аёллари тақдирланган маросим ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Зангиота тумани Чошпена қишлоғи, "Иқбол" маҳалла маслаҳатчиси, "Дўстлик" ордени нишондори Ёқубтон Мўминова шундай дейди: - "Меҳнат қилган элда азиз" деганлари ҳақ гап. Менинг камтарона меҳнатимни Ватанимиз юксак мукофот - "Дўстлик" орденига муносиб кўрди. Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида мен учун беқийс гурур, ифтихор берган бундай рағбатни истиқлол неъматидеб билман. Шу билан бирга бугунги фахрий ёрлиқ ва совғалар биз учун улкан ишонч ва масъулиятдир.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Даврон АҲМАД олган суратлар.

Аёл. У жамики гўзалликларнинг манбаси, ҳаётини бардавонлик сабабчиси. Унинг муҳаббатини қозонмоқ учун донги етти иккимга таралган осма боғлар, сирли эҳромлар, ҳайратангиз иншоотлар бино қилинган. Наъраси Ғарб ва Шарқни титратган не-не соҳибқиронлар ҳам унинг оғдийгина садоқати қаршида тонг қолишган. Ҳаётини, тирикликни унинг нафис, айни чоғда тенгисиз қудрат яширин қиёфасисиз тасаввур этиб бўлмайд.

XXI аср талатўларига қарамай, ҳаётимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий кенгликларидега аёллар бош-қош бўлаётган яратувчанлик ва янгиланишларини адоғи йўқ. Бу фаоллик ортдан асрлар давомида шаклланиб, дунёқарашларга синган "аёл" - хонадон бекаси, тарбиячи, деган тушунча ўз кучини батамом йўқотётгани ҳам рост. Бугун у - юксак минбарларда туриб дунё афкор оммасини тинчликни сақлашга чорлаётган сиёсатчи, узоқни кўра оладиган, етти ўлаб бир кесувчи тadbиркор, инсоният тақдирини ҳал этишга қодир ўткир ақл-идрок эгаларини дунёга келтираётган меҳрибон ва муштираб она...

Дунё мамлакатларининг ҳар бири мавжуд халқаро меърибон ҳужжатларга таяниб, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга ўз ижодий, илмий ва меҳнат қобилиятини юзага чиқаришлари учун шароит яратишнинг ўзига ҳос йўлидан бораётган. Истиқлол шарофати билан халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъектига айланган, ўз сўзи ва мустаҳкам позициясига эга бўлган Ўзбекистонда ҳам бу борада миллий менталитетимизга мос чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хотин-қизларнинг саломатлигини сақлаш, ижодий, илмий ва меҳнат фаолиятини кўллаб-қувватлаш, уларга кўшма имтиёзлар бериш давлат сиёсатининг устувор жиҳатларига айланди. Қувонарлиси, юртимиз таърибаси бугун кўллаб мамлакатлар ҳамда аёллар масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларда катта қизиқиб ўйғотмоқда. Зеро, халқаро рейтинг ташкилотлари эътирофи қўра, Ватанимиз хотин-қизлар учун қўлай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш масаласида 125 давлат орасида энг олди ўринлардан бирини эгаллаб тургани бежиз эмас.

Бу ютқлар, аввало, Мустақиллик даврида аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазаловчи мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилгани натижасидир. Утган 22 йил ичида 80 дан ортиқ миллий қонунлар ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон 1995 йилда Марказий Осиёда биринчи бўлиб Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилди ва ундаги мезонлар амалиётга жорий этила бошланди. Натижада жамиятимизда аёлларнинг нуфузи ошди, хотин-қизлар ўртасида дахлдорлик ҳисси кучайди, фаол ола-сингиларимизни муносиб рағбатлантириш механизми шаклланди. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг "Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид кўшма чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан соҳада ўз ечимини кутаятган муаммолар барҳам топди.

Аёлларни қанчалик улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъозласак, демокки, оиламизни, Ватанимизни эъозлаган бўламиз", деган

эди Юртбошимиз ўз нутқларидан бирида. Бинобарин, барча ислохотлар хотин-қизларнинг мавқеини юксалтириш, уларнинг маънавий ривожланиш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этишини кўзламоқда. Чунки билим, оила ва жамият олди-қилмасулиятини теран ҳис қилувчи аёлларгина баркамол авлодни тарбиялаб, воғга етказолади.

ОНА СОҒЛОМ БЎЛСА... Тўқсон билан тўқнашган буюм яқин қариндошлар йиғилишиб қолсак, "Мен болаларимни дунёга келтирганман-у, эртасига қалага - ё гўза чоғига, ё пахта теримига чиққанман. Эҳ, ўша маҳаллар оғзини дам ол, гўдагинга қара, дегувчи одам топилмаган экан-да", дея биз, набираларига сўзлаб берадир. Бувимнинг армон тўла нигоҳ-

булғилик ютуқларга эришилмоқда. Спортнинг нафис ва нозик, аёлларга хос турларини ривожлантириш, соғлом авлод туғилишини таъминлаш борасида олиб борилган ишлар натижасида спортга жалб этилган қизлар сони ошди. Айни пайтда 2 миллиондан ортиқ хотин-қизлар спорт билан мунтазам равишда шуғулланмоқда. Оқўл Омонмуродова, Уляна Трофимова, Нафиса Мўминова, Юлдуз Кўчқорова, Екатерина Хилько, Хулқаро Тохиржонова каби номлар жабон ареналарида баралла янграмоқда, юрт шаънини улуғламоқда. Бу хотин-қизлар саломатлигини сақлаш, миллат генотипини мустаҳкамлаш йўлида ишлаб чиқилган тadbирлар тизимининг амалдаги тасдиғидир.

ЎЗБЕК АЁЛНИНГ ЯНГИ ошириш янги босқичга кўтарилди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги Қонунга сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши тўғрисидаги норма киритилиб, квота жорий этилди. 2009 йилги сайловлар якунида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатларнинг 22 фоизи, Сенат аъзоларининг 15 фоизини аёллар ташкил этди.

Республикаимиздаги фермер ҳўжалиқларининг 1500 тасини аёллар бошқармоқда. Хусусий корхоналарнинг даяри 35 фоизда аёллар етакчи. Кичик бизнес ва касаначиликни ривожлантириш борасида утган 2012 йилда 5244 нафар тadbиркор аёлга 38,6 миллиард сўм миқдорда кредитлар берилди ва 16

лим йўналишларидаги фаоллиги учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатларига айланди.

Болалигимдан юртим ривож учун ҳисса қўшишни орзу қилиб келаман, - дейди самарқандлик Муниса Санакўлова биз билан сўхбатда. - Шу сабабдан Юртбошимизнинг "Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби дунёга тез маъшур қила олмайд", деган сўзларидан қол қилиб, спортнинг қарат-до тури билан ошно бўлдим. Утган вақт ичида ўн қарра Ўзбекистон чемпиони бўлиб, қатор нуфузли халқаро турнирларда совриндор бўлиб, байроғимизни баланд кўтардим. Касб-хўналар коллежида ўқиб юрган кезларим "Хўққ билмидонлар" Республика танловига гўлибқисқа эришдим. Бу орада насрий йўналишдаги ижодий ишларим жамланган "Ватаним қалбимда" ҳикоятлар тўплами нашрдан чиқди. 2010 йилда арзимас меҳнатларим маданият йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ, деб топилди. Ҳозир университетда тахсил олиш билан бирга, Республика "Олима" аёллар уюшмаси фаолиятида иштирок этиб келмоқдаман. Рус, инглиз, немис, форс тилларини билишим ҳам илмий фаолиятимда, ҳам ҳаётда асқотмоқда. Менимча, барча ютуқларимнинг бош сабабчиси Истиқлол тенгисига эканлигимдан. Бу нағма куч ва илҳом беради.

Қадим хинд йилномаларида аёл билим билан боғланганда эркакдан ҳам устундир, деган ҳикоят қайд этилган. Буни қарангки, бугун илмий соҳада хотин-қизларимиз сабт этаётган зафар чўққилари тахсинга лойиқ, 9 нафар академик, 700 га яқин фан доктори... Бу - Ватанимиз интеллектуал салоҳиятида аёлларнинг улуши.

Ушбу рақамлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўзбек оиламиз халқаро миқёсда ҳам илмий салоҳиятини намоян қилишяпти. Тиббиёт соҳасидаги ютуқлари учун "Осиё-Америка" гепатологлари Кенгаши, Жаҳон ақшур-гинекологлари уюшмаси аъзолигига қабул қилинган аёллар бор. Ёш иқтидорли олимпиадаларнинг нанотехнологиялар бўйида кашфиёти Дунё нанотехнологиялари жамияти томонидан эътироф этилмоқда. ЮНЕСКО ҳузурида ташкил қилинган "Файласуф аёллар" тармоғига юртимизнинг 13 нафар фан доктори ҳақида маълумотлар киритилган.

Яна "Ўзбек аёли" портретига қайтсак. Бизнингча, йиғирма биринчи аълоликка келиб давримиз аёлининг янги портретига эҳтиёж сезилмоқда. Чунки бугунги ўзбек аёлининг қиёфаси бутунлай ўзгариб. Унинг дунёқараш, билимгига яраша яшаш шароити ҳам яшилди. Замонавий тураржойлар қишлоқлар кўржига айланмоқда. Аёллар учун қўлай турмуш шароити барпо этилмоқда.

Хуллас, ўзбек аёлининг янги портрети, тасаввуримиз, шундай: катта полотнода гўзал аёл сурати. Чехрасидан соғломлик нафаси уфуриб турибди - йиллар унинг чиройига дахл қила олмаган. Лаборида нам табассум. Бир жуфт устк бегаган ўш қўли иягани азда тутган - бу билимдонлик ва тadbиркорлик белгиси. Устидаги дунёба кўйлак ва бошидаги рўмоли шамолда хил-пирайдир - демок, аёл турмушдан манман. Энд ортидаги мўъжаз унинг иккинчи қаваати деразасидан бир қиз шодон мўраляди...

Сирожиддин СОТВОЛДИЕВ, "Туркiston-пресс".

Огоҳлик

ЁМОН КЎЗЛАРДАН АСРАСИН

Мустақиллик байрами арафасида юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, барча соҳалардаги хайрли амалларни зўр ифтихор ва шукроналик билан кўзатаямиз. Гўвоҳи бўлиб турибмизки, муқтарам Юртбошимиз раҳбарликларида жаннаткамол Ватанимиз тинчлиги ва раванқи учун, ҳалқимиз фаровонлиги учун кўп совобли ва хайрли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Хусусан, диний соҳадаги ўзгаришларга келсак, илгарилари бутун боғлиб Ўзбекистондан фақат 6 кишигина Хаж сафарига борган бўлса, ҳозир йилгига 5000 дан ортиқ фуқаро Хаж амалларини бажариб қайтмоқда. Истиқлолга қадар Бекобод шаҳри ва тумани аҳолисига битта масжид хизмат қилган бўлса, ҳозир 22 жоме масжиди мусулмонлар ихтиёрида.

Бундан 22 йил муқаддам собиқ Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идорасига қарашли битта Исломо маъбади (Тошкентда) ва битта мадраса (Бухорода) бўлар эди. Эндилкида барча вилоятларда 9 та ўрта махсус Ислом билим юрталари, шундан иккита аёллар мадрасаси, Тошкент Ислам институти, Тошкент Ислам университети юртимиз учун етуқ диний мутахассислар тайёрлаб бермоқда. Бир вақтлар буюк алломалар ва азиз авлиёларнинг

ҳоки покларни жойлашган табаррук жойлар вайронага айланиб қолган эди. Бугунга қелиб, Имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Қафқол Шойиш каби ўнлаб аллома авлиёларнинг мақбаралари тикланиб, ободонлаштирилиб, сўлим зиёратгоҳларга айландирилди.

Юқоридега тилга олганимиз хайрли ва фазилатли амаллар учун бизга доно ва оқил Юртбошимиз ато этган Аллоҳга ҳамду санолар айтишимиз, шундай юрда яшаётганимиз учун шукроналар қилишимиз лозим. Мусулмон бандаларга бундан ортиқ гамхўрлик қайда бор? Аммо, бугунги кунда шукр қилиб яшаш билан чекланиб қолмай, ҳар қадамда гўвоҳ бўлиб турганимиз бунёдкорлик, ободонлаштириш, кўккаламзорлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар мақсули бўлиши эл-юрт бойликларини ва диний эркинликлар-

нинг қадрига етишимиз, уларни келажак авлодларга янада гўзал ва мукамал тарзда қолдириш ҳақида ҳам ўйламоғимиз, қайғурмоғимиз лозим. Зеро, ҳар қандай турда, ҳар қайси замонада ички душманлар топилди. Тобора гўллаб-яшнаб бораётган юртимиз истиқболини кўролмайдиган гааламислар бизда ҳам бор. Динни никоб қилиб олиб, амалда экстремизм ва терроризм билан машғул кимсалар ютуқларимизни кўролмай, турли шумликларга кўл уришлари, ёшларимизни қалғитиб, зарарли оқимларга жалб қилишга уринишлари бор гап бўлиб, бунга мисоллар кўп. Бундай ғаразли кимсалар, айниқса, байрамлар ва турли тантанали маросимлар чоғида хурража миниб, қабиҳ ниятларини амалга ошириш пайига тушадилар. Шу боис, биз фуқаролар доимо сергаз ва огоҳ бўлишимиз, атрофимизда нотаниш кимсаларни кўрсак, уларнинг шубҳали, таггили идораларга эъдик билан хабар беришимиз лозим.

Анвар РИСБОВЕ, Бекобод тумани бош имом-хатиби.

КЕКСАЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИШДИ

Пискент туманидаги "Мўминот" маҳалласининг 40 нафар хотин-қизлари энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида маҳалланинг 20 нафар кекса ва хаста қариялари ҳолидан хабар олиб, байрам совғалари тарқатди.

Тadbир иштирокчиларининг ташаббуси билан худуддаги "Хаста Бузрук" қабристонини ободонлаштириш мақсадида маҳалла ахлининг ҳашари ҳам уюштирилди. Умида ИСАЕВА.

Дилдаги гаплар

МИЛЛИЙ ЛИБОС ЯРАШГАН ҚИЗЛАР

Халқимизнинг "Меҳр кўзда" деган пурмавно сўзлари мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган байрам тadbирлари, байрамолди учрашувлари, маънавий-маърифий тadbирларда ўз исботини топмоқда. Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва маҳаллаларда байрам шуккуи. Оқлаб-сирланган уйлар, саранжом-саршата хонадонлар, ораста кўчалар. Булар ҳаммаси меҳр-оқибатли, фидойи халқимизнинг беғарз, самимий меҳнати, уюшқоқлик билан ўтказилган ҳашарлар натижаси.

Вилоятимизнинг тоғли худудларидан бири Ангрэн шаҳрида ҳам ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Шаҳарнинг намунали "Гурум" маҳалласи идорасига тўпланган фаоллар, отахону онахонлар бугунги ҳашар натижасидан манман. Ахир, нафақат кўчалар, хонадонлар, балки отабоболари кўним топан қабристонини ҳам тозалаб, ораста холга келтиришди, турли дарахт, гул кўчатлари экилди.

"Кўпдан кўен қониб кутулмас", - дейди маҳалла раиси Холхўжа Юнусов. - Бугунги ҳашарда гурумлиқлар гайрат кўрсатишди. Улар обод хонадонда, гўзал масканларда покиза инсонлар яшашини яхши билишади. Одамларда миллий гурури, ишонч, муҳаббат, садоқат руҳини шакллантираётган истиқлол неъматлари барчамиз учун азиз. Энди миллий қадриятларимиз, миллий ўзлигимизни унутмаслик, қадрига етиш ўз қўлимизда. Маҳалламиз ахли бу ишга астойдил бел болаган.

Юртбошимизнинг тўйларини ихчам қилиб ўтказиш ҳақидаги кўрсатмаларидан яхши хабардоримиз, - дейди маҳалла фаолларидан Ғофиржон Фозилов. - Ҳозир тўй-ҳашам ва маъракалар анча тар-

Гурумлиқларнинг софқўнғил ва ахиллиги, меҳнатсеварлиги бор гап, - дейди маҳалла хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Уғлолу Турсунбоева. - Лекин биз аёллар кўпична латта-путта, олди-берди қилиб, нафақат эрларимизни, ўзимизни ҳам қўйнаб қўямиз. Шу сарпо кўрсатиш, мақтанни деганларига мен ҳам қаршиман. Ундан кўра, бугунгидек маънавий-маърифий тadbирлар, дилдан сўхбатлар, маданий хордик чикириш кабилар одат тусига кирса дейман. Мумкин бўлса, бир тақлик киритмоқчийдим. Шу Ангренимизда ҳам барча кулайлиқларга эга замонавий истиқлолчи боғи барпо этилса, оналаримиз, келинларимиз, айниқса, ёшлар, болажонлар жуда манман бўлар эди.

Тақлифининг ўринли, - деди шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Нарғиза Назарова. - Сизларнинг жонқуярлигингиз, куюнчақлигингиз тахсинга лойиқ. Фурсатдан фойдаланиб айтмоқчиманки, ҳали сизлар орзу қилган истироҳат боғлари, маданият қошалари қўллаб қурилади. Борлари қайта таъмирланиб, янги ҳижолаз билан безатилади. Юртбошимизнинг Ангрени "Махсус индустриал зона"га айлантириш ҳақидаги қароридан яхши хабардорсиз. Яъни шахримиз келажакда тараққиётга ўз тутган, иқтисодий ривожланган шаҳарга айланади. Биргина мисол - яқин келажакда шахримизда 15 минг аёлини иш билан таъминлайдиган тикув фабрикаси қурилади. Саида РАҲМОНОВА.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2013 йил 23 августдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилгига икки йиллиги муносабати билан ҳукукни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва факултетада вазиятлар вазириликларни ҳодимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига асосан мамлакат Қуроли Кўчаларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жомоат тартибни мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчинини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун бир гуруҳ ватандошларимиз фидойи уювонлар, ордан ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида қуйидаги вилоятимиз вакиллари ҳам бор:

"Жасорат" медали билан Эрзааров Гулямшар Абдулмадинович - Ангрэн шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди бўлими командирини Кўлошов Шухрат Пулаталиевич - Ўзбекистон Республикаси Факултетада вазиятлар вазирилик "Қамчиқ" қидирув-қутқарув отряди қутқарувчиси "Содиқ хизматлари учун" медали билан Умурзаков Шавкат Бура- (Давоми. Боши 1-бетда).

Саховат

ДУО ҚИЛИШСА БАС

Вилоят маънавият тарғибот маркази, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда "Нуроний" жамғармаси ҳамкорлигидаги иш режасига кўра, Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами муносабати билан Охангарон туманидаги Саховат уйда яшовчилар учун хайрия тadbирлари уюштирилмоқда.

Режага кўра, кеча Саховат уйининг 25 нуруний отахон ва онахонлари пойтахтдаги "Шахидлар хотираси", Ҳазрати Имом мажмуаси, Мустақиллик ҳамда Қумовулдаги вилоят Маънавият ва маърифат марказида ташкил этилган Хотира майдонларида бўлишди. Зангиота зиёратгоҳига қилинган саёҳатларининг кўнгли кўтарилди. Қуръон тиловат қилиб, ўтганлар руҳини шод этишди. Бугун эса, хайрия тadbирининг давоми сифатида Саховат уйда байрам дастурхони ёзилди, дошқозонларда ош дамланиди. - 10 минг пенсионер, жумладан, 20 уруш қатнашчиси, 426 фронт орти фахрийси, 168 ёлғиз қариямиз бор, - деди Охангарон тумани "Нуроний" жамғармаси раиси Абдуразақ Уролов. - Саховат уйда эса, 182 қария яшайди. Фақатгина байрамларда эмас, кунда-кунора уларнинг ҳолидан хабар оламиз. Шунча саъй-ҳаракатларимиз эвазига бизни дуо қилишса бас. - Ешим саксонга бориб қолди, - деди Галина Қуришча. - Анчадан бери шу ерда яшайман. Бу ердаги ҳодимларнинг ширин муомаласи, ҳурмати, яратилган шароитлар, қолаверса, тенгдошларимнинг борлиги кўнглимга малҳам бўляпти. Биз каби қарияларга кўрсатилаётган эътибор учун Президентимиздан миннатдоримиз. Хуррият МЎМИНОВА.

Аёллар спорт фестивали

ОЗОДЛИК, ДЎСТЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ

Юртимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, спортга жалб этиш мақсадида вилоят хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вилоят кенгаши, Болалар спортини

ривожлантириш жамғармаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" ширин остида Чирчиқ шаҳридаги олимпия захиралари коллежида "Аёллар спорт фестивали"нинг вилоят босқичи ўтказилди.

400 дан зиёд спортчи аёллар иштирок этган тадбирни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва кириш сўзи билан очиб, аёллар ўртасида спорт фестивалини ўтказиш аънонага айланганини алоҳида эътироф этди.

Фестивалнинг ҳудудий босқичларида 25 ёшдан юқори бўлган 2500 аёл иштирок этиб, волейбол, шахмат, дартс, стол тенниси, сузмиш, енгил атлетика ва гимнастрада бўйича ўзаро беллашдилар. "Аёллар спорт фестивали"ни кузатар эканмиз, яратилаётган қулай шароитлардан оқилона фойдаланилаётганининг гувоҳи бўлдик. Турли ёшдаги фестивал қатнашчиларининг интилишлари, маҳорат ва кўникмага эга эканликлари яққол кўзга ташланиб турди. Мухими, уларнинг қалби ўз диёри ва она Ватанга садоқат туйғуларига тўла.

Мусобақа якунига кўра, Чирчиқ ва Бекобод шаҳарлари, Қиррай тумани совринли ўринларни эгаллади. Шунингдек, Оҳангарон, Ангрэн ва Бўстонлиқдан келган спортчи аёллар яхши натижаларга эришдилар.

Гулшола ШАХОНОВА, СУРАТААРДА: фестивалдан лавҳалар.



Кўргазма

Ўзбекистон Бадий академиясининг Иқо Хиряма Халқроқ маданият карвонсаройининг катта залида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган Ўзбекистон Бадий академияси Ижодкор уюшмаси аъзоларининг "Ранглар жилоси" номли кўргазмаси очилди.

РАНГЛАР ЖИЛОСИ

Байрам арафасида жойларда "Тўйга тўёна" тарзида маданиятимизнинг турли йўналишларида кўллаб тадбирлар, кўргазмалар уюштирилмоқда. Бир вақтлар қатор ўзбекистонлик санъат намояндалари тақлифи ва сый-харакатлари билан тўғилиб, расомларнинг профессионал-жамоатчилик ташкилотига айланган расомлар уюшмаси эндиликда Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси номи олиб, кенг қўламда тадбирлар ўтказмоқда. Ҳозир бу уюшмага Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан рангтаъсир, графика, ҳайкалтарошлик, маҳобатли санъат, амалий санъат, дизайн, сахна безаги, санъатшунослик, халқ амалий санъати, бадий фото бўйича аъзолар бирлашган.

Кўргазмага ижодкорларнинг турли мавзуларда ўзига хос услуб, йўналиш ва жанрларда маҳорат билан ишланган 40 га яқин асарлари қўйилган. Уларда Ватанимиз табиати ва ҳаёт фалсафаси, йил фасллари, машур ижодкорлар портретлари акс этган. Экспозициядан жонли "Ҳожикент", Р. Хўжаннёзовнинг "Намай" асарлари ҳамда гўзал табиатимиз тасвирланган бўлиб, улар кишига завқ бағишлайди, руҳини кўтарди, мулоҳазаларга чорлайди. Халқроқ маданият карвонсаройи захирасида сақланиб келаётган асарлар ҳам кўргазмадан ўрин олган. Кўргазма шу йилнинг 10 сентябрга қадар давом этади. Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.


Бу – қизиқ

95 ЧОЙДАН ҚЎЙМАСИН!



Кўк чойнинг фойдали ва шифобахш хусусиятлари ҳақида кўп гапирилган. Шу кунларда эса Австралия болалар саратонига қарши кураш маркази тадқиқотчилари унинг яна бир нобъ ҳаياتини аниқладилар. Қаранг, кўк чой болалар саратони ривожига тўқинлик қилар, яъни ўсимта илдизи ҳужайраларини емирар экан. Кўк чой таркибидаги катехин элементлари эса холестеринни йўқотиши ҳисобига, катталарда саратон ривожини хавфини камайтиради. Демак, катта-кичикка ҳеч иккиланмай кўк чой ичишни тавсия этамиз.

Рассом хандаси



Изоҳга ҳолат йўқ!

Тарихга назар

ИЛОҚНИНГ БОҚИЙ МЕРОСИ

"Ўзбекино" миллий агентлигининг "Сага-фильм" студияси мамлакатимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб "Илоқнинг боқий мероси" илмий-оммабоп фильмининг суратга олди.

Қадимий Илоқ давлатининг тарихига оид маълумотлар у қадар кўп эмас. Аммо, борини Тошкент воҳаси ва бутун мамлакат аҳлига етказишнинг ўзи ҳам хайрили ишдир. Республика "Олтин мерос" халқроқ хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси юқоридagi фильмининг яратилишида бюртмачи вази-фасини ўтади.

– Илоқ тарихи ҳақида кўп маълумотга эга эмасмиз, – дейди бошқарма бошлиғи Зарифа Эшмирова. – Бу кўна давлат хали очилмаган сир-синоатларга шу қадар бой. Шу боис бу қадимий давлат тарихи ҳақида фильм яратиш бизнинг кўпдан бери орузимиз эди. Илоқнинг буюк ўтмиши, довуқли қонлари, қўли гул устала-ри, минтақанинг бекиёб гўзал табиати, Оҳангарон воҳасининг бугунги ҳаёти ҳақида хикоя қилиш қанчалик мароқли бўлса, шунчалик муҳим ҳамдир. Қорахитой, Сусам, Қурама, Увак, Эртош, Обжоз, Урғоз қишлоқларининг чиройи кўзларини ўйнатиб, ақлини шоширади. Воҳанинг Пайғамбар ота, Қазрат Али, Увак ота, Урғозқоратош, Шоабдумалик ота каби ўнаб муқаддас қадамжоларининг бизчага ечилган-ечилмаган тилсимлари ҳеч қимни бефарқ қолдирмайди.

– Газетада хикоям чиқди. Хотинпошшага кўрсатдим. Қубонар, десам, лабига учук чик-қандай афтини буриштирди. – Сизда инсоф йўқ, – деди хотиним. – Фақат ўзингизни ўйланибсиз. Эгюистисиз. Мундоқ хотиним маҳаллада керлик юрсин, деб ҳаёлингизга ҳам келмайди. – Манавини бизнинг ҳўжайин ёганлар, деб керилиб юраверинг, мен қарши эмасман. – Хо-о! Мен бировларнинг сосида салқинлайдиган анакалардан эмасман. Мен ўзим ёзиб, ўзим эл оғизга тушим келади. – Майли унда ўзингиз ёзинг, – дедим. – Хотин беш юз долларга мўйналик пўстин олгандек кулимсиради. – Аввалига сиз бир-иккита ҳажмия ёзиб беринг, кегин мен шуларга қараб улги оламан. – Ҳажмия эмас, ҳажвия, хоним. – Майли. Бало бўлмайди-ми? Ишқилиб, одамлар кулса бўлди-да. Ёзиб берасизми? Эсамини қашлаб қолдим. Ке, шу габининг ҳам кўнгли ярим. Битта кулгили ҳажвия ёзиб берсам-берақолай, дедим. – Мен-чи, хоним, мен ёзмаманми? – Шарт эмас. Шунча йил ёздирингиз, шохингиз чиқдимми? Сизнинг бир ой ёзганингизга берадиган матоҳини мен уч кунда топаман. Бироқ менга пул эмас, обрў керак, тушуняп-сизми, об-рў! Ҳа, айтмоқчи, мен сизни уй юмушларидан батамом овоз қилдим. Овқатни ўзим пишираман, кирини ҳам ўзим ювам. Ҳа, энди онда-сонда кўчаларни бир айланай, ахлат челакни тўкиб келсангиз, бўлди. Так што, қаламини тўхтатманг, азизим! Шундай қилиб, қаламқо-

ди. Аммо, воҳанинг энг катта, энг қимматли бойлиги – унинг меҳнатни хуш кўрадиган, қамтар, меҳмондўст, қувноқ ва иродали кишиларидир. "Илоқнинг боқий мероси" сценарий муаллифи ва режиссёри Игорь Блуднев жамғарманнинг вилоят бошқармаси билан мунтазам ҳамкорлик қилиб туради. Унинг Тошкент вилояти ҳудудидagi тарихий ёдгорликлар таъриф-таъсифига бағишланган биринчи фильми – "Шоҳруҳия-Тошкент воҳасининг дурдонаси" 2010 йилда тасма-га туширилган. 40 дақиқали "Илоқнинг боқий мероси" ушбу кўна давлат тарихи ҳақида анча ёрқин ва кенг хикоя қилувчи биринчи илмий-оммабоп фильм-дир. Ҳў муҳбиримиз.



СОБИҚ СИЁСАТЧИ УСТИДАН СУД

Хитойда собиқ сиёсатчи Бо Силай устидан суд бошланди. "Синхуа"нинг хабар беришича, суд жараёни очик кечади.



Хитой компартияси Чунцин шаҳри кўмитасининг собиқ котиби 64 ёшли Бо Силай порухўрликда ва мансабини суиистеъмол қилганликда айбланмоқда. Reuters агентлиги суд матбуот хизмати маълумотларига таяниб, хабар қилишича, суднинг биринчи мажлисида Бо Силай оиласи аъзолари, шунингдек, 20 га яқин журналистлар иштирок этди. Собиқ сиёсатчи тарафдорлари бўлган гуруҳ аъзолари суд биноси олдида уюштирган норозилик акциясида ушбу иш сиёсий мақомга эга эканини таъкидлаб, Бо Силайни қўллаб-қувватладилар. Полиция уларни тарқатиб юборди.

Бо Силай 2011 йилда лавозимидан олиниб, партиядан ўчирилган эди. Бунга унинг рафиқаси ва яқин сафдоши билан боғлиқ жанжалли воқеа сабаб бўлди. Рафиқаси Гу Кайлай Британиялик бизнесчини ўлдирганда, сафдоши Ван Лицзюн давлат сотқини сифатида айбланмоқда. Улар аввалига ўлим жазосига ҳукм қилиниб, кейин 15 йил муддатга қамоққа ташландилар.

АКУЛА ҚЎРБОНИ

Мауи шаҳридаги (Американинг Гавайя штати) шифохоналардан бирида германиялик сайёҳ ҳаётдан кўз юмди.

Акула ҳужумига учраган 20 ёшли Ян Лютеропнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун шифокорлар бир ҳафта тинимсиз кураш олиб бордилар. Бироқ, жароҳат шу қадар оғир эдики, тиббиёт ходимлари ожиз қолдилар.

Сайёҳ кўз дугоналари даврасида спортнинг серфинг тури билан шуғулланаётган чоғида ваҳший акулга дуч келди. Натижада бир қўлидан елкасигача айрилиб, шифохонанинг жонлантириш бўлимида бир ҳафта оғир аҳволда эди. Шундан 4-5 кун кейин Гавайядаги яна бир оролда акула 16 ёшли ўсмирга ҳам ҳужум қилди. Улар серфинг билан шуғулланаётган эди. Оёқлари тилинган ўсмир шифохонада даволаниб, яна оёққа турди.

БЕТАЙН ЖИНОЯТЧИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Американинг Жоржия штати Атланта шаҳри яқинидаги бошланғич мактаб биносига қирғиб олган жиноятчини безарар қўлга олишга муваффақ бўлиди.



ИТАР-ТАСС маҳаллий полиция вакили Рэй Девис берган маълумотга таяниб тарқатган хабарда айтилишича, 20 ёшли Майкл Брэндон Хилл турли ўқ отиш қуроллари, жумладан Калашников автомати билан қуролланган ҳолда қоровулларни ёнлаб ўтиб, мактаб биносига кирди ва бир неча ўқитувчи гаровга олди. Хавфсиз жойга ўрнатиб олгач, полиция ҳамда маҳаллий телеканал ходимларини қақиритишлари талаб қилди. Полициячилар етиб келиш-

гач, Хилл уларга қарата ўт очди. Полиция вакиллари жавоб қайтаришгач, жиноятчи таслим бўлди.

Ушбу ҳодиса жараёнида ҳеч қим зарар кўрмади, ҳамма ўқувчилар хавфсиз жойларга қўчирилди. Рэй Девиснинг айтишича, Хилл автомат қуролни ўзининг бир танишидан олган, бироқ уни сўраб олгани ёки ўғирлагани – номаълум. Фақат шуниси маълумки, Хилл мактабга қўнроқ жойда яшаган ва у ерга машинада келган. Нима сабабдан бундай жиноятга қўл урганлиги ҳақида эса ҳеч қандай маълумот тарқатилмади.

ОФАТ КЕТИДАН ОФАТ

Россиянинг Узоқ Шарқ вилоятларидаги сув тошқинлари билан бир вақтда Жанубий Осиё мамлакатларидан ҳам табиий офатлар ва унинг қурбонлари ҳақида хабарлар келишда давоб этмоқда.

Покистонда қучли жала туфайли содир бўлган сув тошқинларида 140 га яқин киши ҳалок бўлди, 800 дан зиёд одам жароҳатланди. Умуман, табиий офатдан 930 миңг аҳоли у ёки бу даражада зарар кўрди. Бутун мамлакат бўйлаб 13 миңдан зиёд уйлар бузилди.

Хитойнинг Шимоли-Шарқий қисмида юз берган тошқинлар камида 85 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Яна 100 га яқин киши бедарак йўқолганлар рўйхатида киритилди. Офатдан зарар кўрганлар 3 миллион 700 миңдан ошди. CNTV каналининг хабар қилишича, ушбу минтақалардаги дарёлар суви ҳамон энг юқори даражага кўтарилганча турибди.

Филиппин поитахти Манилада ҳам юз берган қучли жала оқибатида камида 8 киши қурбон бўлди. ИТАР-ТАССнинг маълум қилишича, дунёда аҳоли энг зич жойлашган ушбу шаҳарнинг 300 миңдан зиёд фуқаролари ўз уйлари-ни ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар.

Метеорологлар эълон қилаётган оғоҳлантирувчи хабарлар эса, янада дахшатли. Кейинги ойда қучли ёғинлар яна давом этади. Мамлакат ҳукумати бошланғич қолганлар учун 243 та муваққат лагер қуриш тўғрисида фармо-йиш берди.

МЕКСИКАДА ЯНА ЗИЛЗИЛА


Мексиканинг Герреро штатида 6 магнитуда куч билан юз берган зилзила камида 8 кишини ҳаётдан бевақт олиб кетди.

Ушбу маъмурий округнинг фуқаро мудофаси қизамати вакиллари берган маълумотларга ҳақиқатда, табиий офат ҳужумидан 438 та турархона, 44 та мактаб ва 11 та шифохона у ёки бу даражада шикастланди. Фақат Акапулко шаҳрининг ўзида 400 дан зиёд уйлarning деворлари ёрилиб кетди. Айрим бинолар бунданда кўпроқ шикастланди. Табиий офат коммуникация тармоқларига ҳам кўп зарар етказди. Герреро штатининг айрим туманларида ер қўчишлари юз берди. Учта автомобил йўлларидан тоғ жинслари қўллаб тушгани босиб, ҳаракат тўхтаб қолди.

Миллий сейсмология хизмати берган маълумотларга кўра, зилзиланинг маркази Сан-Маркос шаҳридан 17 километр нарида бўлиб, кетидан яна 8 та қайта силқинишлар кайд этилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ҳажвия



ҚАЛАМҚОШИМГА ҚАЛАМДОШ БЎЛГАН ИМ

қадимни ростламоқчи эдим, хоним жавраб қолди: – Яхши ёзасиз. Бўшашманг. Уртоқларим мақтаяпти. Ичинг тўла кулги экан-у, Равзахон, сен ёзавер, биз маза қилиб ўқийверайлик, дейишди. – Мен-чи, хоним, мен ёзмаманми? – Шарт эмас. Шунча йил ёздирингиз, шохингиз чиқдимми? Сизнинг бир ой ёзганингизга берадиган матоҳини мен уч кунда топаман. Бироқ менга пул эмас, обрў керак, тушуняп-сизми, об-рў! Ҳа, айтмоқчи, мен сизни уй юмушларидан батамом овоз қилдим. Овқатни ўзим пишираман, кирини ҳам ўзим ювам. Ҳа, энди онда-сонда кўчаларни бир айланай, ахлат челакни тўкиб келсангиз, бўлди. Так што, қаламини тўхтатманг, азизим! Шундай қилиб, қаламқо-

шимга қаламдош бўлиб қолдим. Илгары кенқурун оёққа қилсам, обшо, узуз кун уйда ўтириб, билганингизни шилдир шўрвами, деб елкаси тиришарди. Энди бир кун олдимда ёғлиқ палов, бир кунни манги, яна бир кунни чўрма лағмон. Пайпоғу сочқиларни ювишдан ҳам қўтудим. Эрта билан қаламқошим сиртимдан ашиқни қўшлаб кетдилар, оқшом, хўш, мададкорим, бугун неча бет ёзилди, деб тепамга келиб қарайдилар.

Кунлар кетидан кунлар ўтиб турибди. Даста-даста қорғоларнинг бошига етиб, малика дилороз... уэр, дилоромни машхури олам қилиш билан овораман. Тўқинларим турли газеталарда пешма-пеш қилиб турибди. Равзахон деган англи юмористининг исми-шарифлари тобора гурқираган сари Мўмин Яраш деган собиқ – Эҳтимол ўлишга ҳам ҳақ-қим йўқдир? – ноилоҳ ўлайди. – Буни ҳаёлингизга ҳам келтирман! – деди хоним. – Наширётга ариза бериб қўйганман. Бир томлик асарларимни чиқармоқчи. Шу китобимни талхаб беринг, кейин пажаликка, ихтиёрингиз... Дўхтур келди. Бир халта дори ёзиб берди. Асаб иш-

ним билан учрашуга тақлиф этамиз. Равзахоним ўз ижодий сирлари ҳақида мухлис-ларига сўзлаб берадилар. Шунингдек, ёзувчининг тандирдан янги чиққан ҳангома-ларидан эшитасиз. – Куллуқ бўлсин, – дедим зўракни ўлжайиб. – "Куллуқ бўлсин"ни Боги Эрамда айтасиз. Мен сизни мухлисим, деб таништирмаман. Йўғилганларга меннинг ижодий ютуқларим ҳақида беш-олти оғиз сўзлаб берасиз. Ҳа, айтгандай, янги ҳангома керак-а? Каллангизда бирон нарсаси борми? – Қалла бум-бўш, сувқо-воқдай хувилаб ётибди, – дедим эсанб. – Уни тўлдириң! – бюорди хотиним. – Срочни тўлдириш керак! Ахир индинга учрашув! Биронта хангома тўқимайсизми? Ҳозир мен лағмон чўзаман. Унганча сиз ўйланг, мададкорим, ўйланг! Бирварақай иккита таблеткани ютдим-у, диванга чўзилдим. Қотиб қолибман. Уйғонсам, кун ботиб, тонг отибди. Бошимда хотиним йўғлаб ўтирибди. – Хой сизга нима бало бўлди? Улиб қолибсизми, деб қўрқиб кетдим. Илтисим, бир томлигим чикқуна ўймай туринг, кейин майли рухсат. Аранг гавдамни кўтардим. Бир варақ қоғоз олдим. Қўлим қалтираб: "Қаламқо-шимга қаламдош бўлангим". "Ҳажвия", деб ёздим-у, шилк этиб диванга ағдарилдим. Хотин эса, ҳамон тепамда сақлаб турибди: – Хой, ҳеч қурса, ижодий учрашувини унган ўймай туринг, илтисим... Тамом: илтисим, фамилия-ним ёзмайингиз, Равзахон-нинг эри десангизлар қифоя, ҳамма танийди. Қалам ҳақи керак эмас. Ана энди тамом. Равзахоннинг эри.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ
Манзил: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
233-64-95, 236-55-59,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:
233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:
236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими:
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил 12
январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таърифи компьютер марказида
терийли ва саҳифаланган.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ